

# YOSHILAR OVOZI

## BARCHA DARAJADA GI RAQBARLAR BIR MAQSAD - XALQ ROZILIGI IYUIDA MEHNAT QILISHI LOZIM

Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёев жойларда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари, олиб борилаётган ички ислохотлар, йирик лойиҳалар билан танишиш ва халқ билан мулоқот қилиш мақсадида 30 март куни Жиззах вилоятига ташриф буюрди.

Жиззах вилояти қадимдан шарқ ва ғарбни боғловчи Буюк йпак йўлининг муҳим қўналғаридан бири бўлиб келган. Мустақиллик йилларида ҳудуднинг юртимиз тараққиётидаги ўрни ва аҳамияти янада ортади. Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар туфайли ҳудуднинг қўлай жуғрофия ва транспорт-коммуникация имкониятларидан, ер ости ва ер усти бойликлари, улкан иқтисодий салоҳиятидан самарали фойдаланилмоқда.

Президентимиз ўтган йил 28 апрел кунини вилоятга ташриф чўғида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жарафни билан танишган, аҳоли фаровонлиги, янги иш ўринлари яратиш бўйича мутасаддиларга тегишли топшириқлар берган эди. Ўтган вақт давомида вилоятда улкан ишлар амалга оширилди. Давлатимиз раҳбари тамал тоши қўйиб берган Зафаробода туманидаги нефтин қайта ишлаш заводи қурилиши нафақат мамлакатимиз, балки Марказий Осиё минтақасида катта воқеа бўлди. Айни пайтда лойиҳа қиймати 2,2 миллиард АҚШ доллари бўлган корхонани бунёд этиш ишлари юқори суръатларда давом этмоқда. «Жиззах» эркин иқтисодий зонасида хоржий инвестициялар иштирокида бунёд этилаётган «Uzbekistan Peugeot Citroen Automotive» заводи, яқинда ишга туширилган шина маҳсулотини ишлаб чиқарадиган «Ming Yuan Sily industry» масъулияти чекланган жамият шаклидаги корхона,

Жиззах шаҳрида бунёд этилаётган «SILK EXPERT processing» йпак етиштириш ва қайта ишлашга ихтисослашган Ўзбекистон - Буюк Британия қўшма корхонаси мамлакатимиз иқтисодиёти юксалишига хизмат қилади. Ҳудудларни комплекс ривожлантиришга қаратилаётган эътибор туфайли бундай йирик лойиҳалар олис туманларда ҳам амалга оширилмоқда. Жумладан, Фориш туманининг Эгизбулак қишлоғида Буюк Британиянинг «Leigh Barrier LLP» компанияси билан ҳамкорликда «Mega invest industrial» МЧЖ шаклидаги композит арматуралар ишлаб чиқариш заводи, Фаллаорол туманидаги «Marjon global» доривор гиеҳларни қайта ишлаш, Зомин туманида «Зомин-Фарм» эркин иқтисодий зонаси таркибидаги корхоналар вилоят иқтисодиётини ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этаётди.

Президентимиз бу гагли ташриф давомида вилоятни янада ривожлантиришга қаратилган қатор лойиҳаларнинг амалга оширилиши, аввалги ташрифда берилган топшириқлар ижроси, аҳолининг талаб-эҳтиёжлари билан танишди. Давлатимиз раҳбари дастлаб Зафаробода туманидаги «Zarbdor textile» масъулияти чекланган жамиятида бўлди. Жорий йил апрель ойида ишга туширилиши режалаштирилган корхонада 17,5 миллион доллаларлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилган.

Корхонада йилгига 31 миллион квадрат метр мато ҳамда 6,5 миллион донна трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Корхона ўз фаолиятини бошлаши билан 864 иш ўрни яратилди. Ишлаб чиқаришни кенгайтириш эвазига жорий йил учинчи чорағида яна 196 нафар хотин-қиз иш билан таъминланди. Шавкат Мирзиёев мамлакатимизда етиштирилаётган пахта ўзимизда тўлиқ қайта ишланиши қўшимча қийматли маҳсулот тайёрлаш билан бирга, янги иш ўринлари яратиш имконини беришини таъкидлади. Шу ерда Жиззах шаҳридаги собиқ тўқимачилик комбинатининг бўш турган бинолари неғизда замонавий тўқимачилик мажмуаси барпо этиш, «Жиззах», «Зомин-Фарм» эркин иқтисодий зоналарида 2018-2019 йиллар учун режалаштирилган инвестиция, шунингдек, вилоятда энгил саноат ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида амалга оширилаётган лойиҳалар тақдимоти ҳам ўтказилди.

Шундан сўнг давлатимиз раҳбари Жиззах шаҳар ички ишлар бўлими 2-сон ички ишлар бўлимида бўлди. Юртимизда хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, жамоат тартибини, аҳоли тинчлиги ва осийишталигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётди. Буни профилактика, тезкор-қидирув, тергов, йўл ҳаракати хавфсизлиги, энгил хавфсизлиги, қўриқлаш, патруль-пост хизматлари, сафарбарлик отрядлари қайта ташкил этилаётгани, ички ишлар органларининг моддий-техник базаси мунтазам мустаҳкамлаб борилаётганида ҳам қўриш мумкин.

Президентимиз 2017 йил 17 август кунини ички ишлар идоралари ходимлари билан ўтказилган видеоселектор йиғилишида Жиззах шаҳрида «Хавфсиз шаҳар» лойиҳасини татбиқ этиш бўйича топшириқ берган эди. Ушбу топшириқ ижроси бўйича Жиззах шаҳар ички ишлар бўлими 2-сон ички ишлар бўлимида

«Хавфсиз шаҳар» бошқарув ситуацион маркази ташкил этилди. Марказ йўл ҳаракати хавфсизлиги, энгил хавфсизлиги, қўриқлаш хизмати, патруль-пост хизмати ва бошқа тармоқларни геонформацион тизим орқали бошқаради. Бозорлар, таълим ва тиббиёт муассасалари, меҳмонхоналар, йўллар ва бошқа жамоат жойларига ўрнатилган видеокузатув ускуналари, замонавий сигнал узатиш тизими бунда қўл келади. Бу жиноят ва ҳуқуқбузарлик содир этилишининг олдини олиш, уларни тез фурсатларда фотэтишда муҳим аҳамиятга эга.

Бу каби видеокузатув мосламаларини шаҳардаги профилактика инспекторлари хонаси, мактабгача таълим муассасалари ва мактаблар атрофида ҳам ўрнатиш керак, - деди Президент. - Шунда уқитувчи ва ўқувчиларда ҳам масъулият янада ошадди. Бўлимига икки қаватли бинода жойлашган бўлиб, бу ерда «Заргарлик» маҳалла фуқаролар йиғини, маҳалла посбони, профилактика инспектори хоналари ўрин олган.

Шавкат Мирзиёев маҳалла раиси ва профилактика инспектори билан аҳоли фаровонлигини ошириш, кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш, маҳаллада жиноятчиликнинг олдини олиш масаласида сўхбатлашди.

Давлатимиз раҳбарига ички ишлар бўлимига томонидан ишлаб чиқилган мобил дастур ҳақида маълумот берилди. «Jizax IIV» мобил дастури аҳоли учун бепул бўлиб, фуқароларнинг мобил телефонига юкланади. Ушбу дастур орқали фуқаролар қидирувда бўлган ва беларак кетган шахслар ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлиши, профилактика инспектори фаолиятига

оид маълумотларни олиши мумкин. Ходимларга тезкор ахборот етказиш мақсадида вилоятдаги уяли алоқа компанияси билан ҳамкорликда 2 мингдан ортиқ телефон рақами тарқатилган. Мазкур қўлайлик орқали тезкор ахборот етказиш имкони яратилмоқда. Яъни, навбатчилик қисмида мавжуд бўлган планшет орқали кўнлик содир бўлган жиноятлар, йўл-транспорт ҳодисалари, эслатма ва янгиликлар ходимларга тезкорлик билан етказилади.

Давлатимиз раҳбари тегишли мутасаддиларга ушбу тизимни янада такомиллаштириш юзасидан топшириқ ва кўрсатмалар берди. Шу ерда Президентимиз бир гуруҳ нуронийлар билан учрашди, самийини ва олд руҳда ўтган сўхбатда мамлакатимиз ва халқаро аҳамиятга молик масалалар ҳақида сўз юритди.

Кейинги манзил Жиззах шаҳар Мустақиллик кўчасида барпо этилаётган кўп қаватли арзон уй-жойлар бўлди.

Президентимизнинг 2016 йил 22 ноябрдаги «2017-2020 йилларда шаҳарларда арзон кўп қаватли уйларни қуриш ва реконструкция қилиш дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижроси юзасидан барпо этилаётган мазкур уй-жойлар аҳолининг кенг қатлами учун замонавий уйлардан фойдаланиш даражасини тубдан ошириш, ер ресурсларидан оқилона фойдаланишни таъминлашга хизмат қилмоқда. Бундай замонавий уйлар юртимиз кўрғига қўриқ қўйиш ва аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтириш билан бирга, одамларда давлатга, эртанги кунга ишонч тўйғусини янада мустаҳкамламоқда.

(Давоми 2-саҳифада)

## ESHITDINGIZMI?

### 1 АПРЕЛДА

республикаимизда «Мухаммад ал-Хоразмий издошлари» номли кўрик-танловга старт берилди. Унда 10-11-синф ўқувчилари иштирок этиши мумкин. Дастлаб ўқувчилар www.mafiz.uz сайтида математика, физика ва информатика



фанларидан онлайн-тест топширади. Кейинги босқичга ўтганлар ёзма равишда амалий масалалар ечади. Финал июнь ойида бўлиб ўтади. 1-ўрин соҳибини энг кам ойлик иш ҳақининг юз баравари миқдоридан пул мукофоти кутмоқда.

## СИЛИКОН ВОДИЙСИДА ЎЗ ҲУДУДИМИЗ БЎЛАДИ



«Uzbekistan Work Space» ҳудуди «Openback» компаниясининг Калифорниядаги офисидида жойлашади. У ерда мамлакатимиз манфаатларини компания асосчиси Марк Рочман ҳимоя қилади.

Юртимизга ташрифи чоғида америкалик тадбиркор «Mirzo Ulugbek Innovation Center» инновация марказининг Силикон водийси ҳамда жаҳон IT-ҳамжамиятидаги элчиси сифатида фаолият курсатишга тайёрлигини айтган.

## Ўзбекистонда ХОККЕЙ ФЕДЕРАЦИЯСИ ТУЗИЛДИ

Ташкилот Адлия вазирлиги томонидан 28 март куни рўйхатдан ўтказилган. У хоккей бўйича спорт тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш, миллий терма жамоаларини тузиш ҳамда тайёрлашда иштирок этади.



## МЕВА-САБЗАВОТЛАРГА ҚЎШИМЧА ҚИЙМАТ СОЛИГИ СОЛИНМАЙДИ



Мазкур қоида жорий йил 1 апрелдан кўчга қиради. Ҳар бир ҳудудда бир-иккитадан мева-сабзавот кластерларини ташкил этиш кўзда тутилган. 2019 йилдан улар барча туманларда вужудга келади. Солиқ имтиёзи ана шу ҳудудлар ичида сотиладиган маҳсулотлар учун тақдим этилмоқда.

Ўз ахборотимиз.

## TASHABBUS VA IJRO

### БУ ТЎЙЛАРНИНГ ДОНФИ КЕТДИ

«Маҳаллада дув-дув гап» фильмининг эсланг. Тўй қилаётган онанинг кўзига қозондаги ош, ноз-неъматлар пул бўлиб кўринади. Бу лавҳа орқали кино ижодкорлари тўй-маъракалардаги

— деб ёзган эди. Демак, оилавий маросим, тантанавий базмларни ортиқча сарф-харажат билан кимўзарга ўтказиш бугун ё кечанинг гапи эмас. Бу иллат ҳозир ҳам бошимизга кўп савдолар



юзасидан мамлакатимиз халқига Мурожаати қабул қилинди. Қолаверса, Юртбошимиз жорий йил 2 март куни Навоий вилояти фаоллари билан учрашуви чоғида бу мавзуга алоҳида тўхталиб, «Тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар, марҳумларнинг хотирасига бағишланган тадбирларни ўтказиш тартиби тўғрисида»ги низомни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш заруригини таъкидлаганди. Мазкур ташаббусни кенг жамоатчилигимиз қўллаб-қувватлади. Чунки охириги

вақтда тўй машамалари жуда кўп одамларнинг тинка-мадорини қуриштириб, жамият тараққиётига раҳна сола бошлагани рост-да.

Юқоридаги амалий саъй-ҳаракатлар натижаси кўп куттириб қўйгани йўқ. Март ойининг ўзидаёқ республикамиз бўйлаб қаторасига ихчам тўйлар ўтказилди. Ҳаммасидан қизиғи, тўйчилар ҳам узига тўқ, бадавлат одамлар. Масалан, навоийлик тадбиркор Нуриддин Ҳабибов бешта тўйхона эгаси бўлтуриб, ўғлининг никоҳ кечасига

атиғи 120 кишини таклиф қилган. Тадбир жудаям қўркам ва файзли ўтди.

Шундай файзли даврани Янгиқўрғонда яшайдиган Ақромжон Йўлдошевнинг никоҳ тўйида ҳам кўрдик. Камтарона дастурхона икки ёшнинг энг яқин инсонлари, дўсту қадронлари таклиф қилинган. Дабдабадан асар ҳам йўқ. Ҳамма шод-хуррам. Хуллас, бу ёғига тўй-тўйга уланиб, Норин, Чортоқ туманларида ҳам жами 20 нафар келин-куёв чимилдиққа асл қадриятларимиз асосида — сохта удув ва одатларсиз кузатилди.

Барча шодиеваларда Ёшлар иттифоқи вакиллари иштирок этиб, оила қурганларга Самарқанд шаҳрига бепул саёҳат қилиш учун сертификатлар тақдим этди. Бундай хайрли ташаббуснинг эса, наинки бир маҳалла ёки қишлоқ, балки бутун республикага донғи кетди.

Санжар ЭШМУРОДОВ

## JARAYON

### 86 МИЛЛИОН ТОПИЛДИ

Ҳудудлардаги ижтимоий-маънавий муҳитни ўрганиш миссияси доирасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси - Ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раиси Қўрамон Қўранбаев хоразмлик ёш тадбиркорлар билан очиқ мулоқот ўтказди. Тадбирда иштирок этиш учун Урганч шаҳридаги Ёшлар марказида 150 нафардан зиёд йигит-

қиз тўпланди. Уларнинг муурожаатларини Ўзбекистон ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш маркази мутахассислари ҳам тинглади.

— Қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш истағида банкдан кредит сўраганим, — дейди шовотлик Миржалол Рустамов. — Жавоб ҳадеганда келавермагач, нима гаплигини билишга ошиқдим. Кафил ва

гаровга қўядиган мулқингиз йўқ, деб аризамни қайтариб юборишди. Нима қилишни билмай, бошим қотган. Шахсий бизнесни бошласам, даромад топиб оёққа туриб оламан, дегандим.

Бу масалани Қ.Қўранбаев бир дақиқада ҳал қилди. Миржаолога Хоразм ёшларини қўллаб-қувватлаш фондидан 86 миллион сўм сармоя ажратиладиган бўлди.

## КИТОБ ЎҚИГАН ДАМ ОЛАДИ

Ёшлар етакчиси Урганч туманидаги 36-умумтаълим мактабига ҳам кирди. Ўқувчилар билан сўхбатлашиб, уларнинг билимини синовдан ўтказди.

Жавобларнинг ҳаммасидан қониқмаган бўлса-да, Давлат маслаҳатчиси 9-синф ўқувчиларига битта ноутбук, рангли ва оддий принтер, мактаб кутубхонасига эса, ўзбек,

рус ва энгил тилларидаги 500 та бадий адабиёт совға қилди.

Қўрамон Қўранбаев мактаб сардорлар кенгаши аъзоларини ёғига олиб, ташқаридаги тартибсизликка, айниқса, зовурни тўлдириб юборган чиқиндиларга эътибор қаратди. «Бундай хунук манзарани ҳашар йўли билан бемалол баргараф этса бўлади, — таъкидлади у. — Аммо негадир

ҳафсала, хоҳиш йўқ. Атрофни тоза сақлаш, юртни обод этиш — бурчимиз».

Ёшлар етакчиси мутлола мавзусида сўз очар экан, ёз мавсумида мактабининг 15 нафар энг китобхон ўқувчисига Бўстонлик туманидаги Ёшлар оромгоҳида дам олиш имконияти яратиб берилишини айтди.

Раҳвана ҚҮРЯЗОВА



исрофгарчилик ва дабадабозликни танқид остига олган.

XX аср бошида маърифатпарвар бобомиз Маҳмудхўжа Бехбудий: «Миллатимиз тараққиётига тўғаноқ бўладиган икки нарса бор: бу — тўй ва азадир»,

солмоқда. Шу боис яқинда Республика «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ва «Нуроний» жағфармаси фаолларининг тўйлар, оилавий тантаналар ва бошқа маросимларни ортиқча сарф-харажатсиз, дабадбасиз ўтказиш

# БАРЧА ДАРАЖАДАГИ РАҲБАРЛАР БИР МАҚСАД – ХАЛҚ РОЗИЛИГИ ЙЎЛИДА МЕҲНАТ ҚИЛИШИ ЛОЗИМ

(Бошланиш 1-саҳифада)

Жиззах шаҳрида қуриладиган уй-жойларни жорий йил сентябрь ойида тўлиқ фойдаланишга топшириш кўзда тутилган. 7 қаватли, 420 хонадонга мўлжалланган уйлар 2 ва 3 хонали. Шаҳар кўригига қўриқ қўйилган ушбу 10 та уй уй-жойга муҳтож аҳолини бошқичма-бошқич замонавий уйлар билан таъминлаш имконини беради.

Президентимиз янги қуриладиган уй-жойлар лойиҳалари билан танишди. Шу ерда вилоятда олиб бориладиган қурилиш ишлари ҳақида батафсил маълумот берилди. Шароф Рашидов туманидаги Учтепа шаҳарчасида кўп қаватли турар жой биноларининг жойлашув лойиҳаси, мазкур тумандаги “Тоқчилик” ҚФЙ ҳудудида барпо этиладиган замонавий 3-4 қаватли арзон уй-жойлар массиви лойиҳаларида аҳоли эҳтиёжи ҳисобга олинган бўлиб, қурилиш ишлари бошқичма-бошқич амалга оширилади. Бундан ташқари, Жиззах шаҳридаги Ислон Каримов

кўчаси бўйлаб қуриладиган инфратузилма объекти, кўп қаватли турар жойлар, Сайлжойи маҳалласи ҳудудидаги 37-мактабга таълим муассасаси биносини қайта таъмирлаш каби қатор истиқболли лойиҳалар тақдим этилди.

– Жиззах шаҳрида кенг қўламли қурилиш ишлари олиб борилаётганда, Шунинг учун бу ерда қурилиш материаллари ишлаб чиқариш корхоналари ташкил этиш керак, – деди давлатимиз раҳбари. – Ана шунда қуриладиган биноларнинг нархи арзон тушади.

Президентимиз вилоятда ичимлик сув тизимини ривожлантириш лойиҳасига алоҳида эътибор қаратиш зарурлигини таъкидлади. Аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш бўйича барча манбаларни ишга солиш бўйича мутасаддиларга кўрсатмалар берди.

Жиззах вилояти кўп қаватли уй-жой фондиди таъминлаш дастурига асосан, 2017 йилда 345 та кўп қаватли уй-жой таъмирланган. Бу ишларни амалга оширишда тижорат банкларини томонидан 16,3

миллиард сўм миқдорда имтиёзли кредитлар ажратилган. 2018 йилда 409 та кўп қаватли уй-жой ва уларнинг атрофини ободонлаштириш кўзда тутилган. Ушбу мақсадларга 59,6 миллиард сўм маблағ жалб этилади.

Шавкат Мирзиёев лойиҳалар билан батафсил танишди. Мутасаддиларга ажратилган маблағлар, қурилиш ишларини якунига етказиш мuddатини назорат қилишни топширди.

Президентимиз Дўстлик туманидаги Манас қишлоғига ташриф буюрди.

“Манас” қишлоқ фуқаролар йиғинида Жиззах вилоятида қишлоқ ҳудудига тармоқларини ривожлантиришга қаратилган лойиҳалар тақдимоти ўтказилди.

Давлатимиз раҳбари терини қайта ишлаш, агросаноат мажмуаси ва озиқ-овқат кластери барпо этиш, туя сути билан даволайдиган клиника ташкил қилиш борасидаги тақлифларга алоҳида эътибор қаратди. Аҳолининг томорқа ҳужалиқларидан самарали фойдаланишига кўмаклашиш,

фермер ва деҳқон ҳужалиқларига бухгалтерия ҳисобини юритиш бўйича консалтинг хизмати кўрсатиш, молиялаштириш кўрсатмалар берилди.

“Обод қишлоқ” дастурининг амалга оширилиши чекка ҳудудларда яшаётган миллионлаб юртдошларимиз ҳаётини яхшилашга, уларга муносиб турмуш тарзи яратишга қаратилган долзарб вазифа экани таъкидланди. Манас қишлоғи мамлакатимизда бошланган “Обод қишлоқ” дастурини татбиқ этишда намуна сифатида тарихда қолди.

Ўтган асрнинг 60-йилларида вилоятнинг энг чекка ҳудудида барпо этилган Манас қишлоғида бугунги кунда 6,5 мингдан зиёд аҳоли яшайди. Кейинги йилларда инфратузилма иншоотлари, кўча ва йўллар, ичимлик суви, иссиқлик, электр энергияси таъминоти, маданият-маиший хизмат кўрсатиш талабга жавоб бермаслиги натижасида одамлар анча қийналаётган эди.

“Обод қишлоқ” дастури асосида бу ерда мавжуд муаммоларни бартараф этиш юзасидан қисқа мuddатда кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Дастур доирасида сизот сувлари сатҳи кўтарилишини бартараф этиш учун 41 километр узунликдаги коллектор-дренаж тармоқлари тозаланди. Икки қаватли 34 та уйнинг томи қайта ёпилди. Уй-жойлар атрофидаги режасиз қурилишлар ўрнида янгидан ёрдамчи бинолар, тандиρχоналар қурилди. Мевали ва 10 минг тулдан зиёд манзарали дархат кўчатлари ўтказилди.

Аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида “Сувоқова” давлат унитар корхонаси жамоаси томонидан 6,5 километрик сув қувури ётказилди. Сув тарқатиш иншоотлари таъмирдан чиқарилди. Иккита умумтаълим мактаби таъмирланиб, қайта жиҳозланди. Ушбу мактабларда ўқув-ишлаб чиқариш устaxonаси барпо этилиб, дурадорлик, чилангарлик, тикувчилик дастурхонлари билан таъминланди. 17 болалар маълумчаси, 2 минг футбол майдони, 250 ўринли стадион

барпо этилди.

“Обод қишлоқ” дастурини амалга ошириш бошлангандан буюн қишлоқда 200 дан зиёд хотин-қизнинг бандлиги таъминланди. Жумладан, “Жиззахпахтасаноат” акциядорлик жамиятининг 100 ўринли, “Заминтекс” масулуятчи чекланган жамиятининг 20 ўринли тикувчилик шехлари қурилиб, қишлоқ хотин-қизларидан 120 нафари ишга жойлаштирилди.

30 иссиқхона, кўп қаватли уйларда яшовчи фуқароларнинг молларини боқиб тутиш учун 100 бошга мўлжалланган замонавий ферма қурилди. Ветеринария пункти ишга туширилди. Замонавий кўринишдаги 31 савдо дўкони, новвойхона, ҳаммом барпо этилди. 500 ўринли “Манас” маданият саройи тўлиқ таъмирдан чиқарилиб, маданият-маиший мақсадга айлантирилди. Қишлоқ врачлик пункти қайта реконструкция қилиниб, унинг ўрнида 500 қатновга мўлжалланган оилaviй поликлиника ташкил этилди.

Президентимиз мазкур поликлиникадаги шароитларни кўздан кечирди. – Жойларда замонавий тиббиёт муассасалари барпо этилганимиз яхши, албатта. Эндиги талаб ушбу муассасаларни малакали мутахассислар билан таъминлаш ҳамда аҳолига кўрсатиладиган тиббий хизмат сифатини оширишдан иборат бўлиши керак, – деди давлатимиз раҳбари.

Шавкат Мирзиёев қишлоқда “Ўздонмахсулот” акциядорлик компанияси ташаббуси билан барпо этилган новвойхонани бориб кўрди. Замонавий технологиялар билан жиҳозланган новвойхонада кунинга 30 турдаги 2 минг дона қолипчи нон тайёрланади.

Давлатимиз раҳбари қишлоқдаги 125 ўринли “Айчурек” мактабгача таълим муассасасида ҳам бўлди. Жанубий Корея стандарти асосида барпо этилган ва жиҳозланган муассасида болаларнинг илғор хорижий тажрибалар асосида дастлаб билим ва кўникмаларини шакллантириш учун барча қўлайликлар яратилган.

“Манас” маданият саройида халқ депутатлари Жиззах вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди.

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев сўзга чиқди. Тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари, вилоят ва туман ҳокимлари

иштирокида ўтган йилги видеоконференция орқали мулоқот қилиниб, аҳолини уйлантирадиган масалаларга ечим топилди.

Янги sanoat корхоналари ташкил этиш, қишлоқ ҳужалиғида ислохотларни давом эттириш бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилди. Пахта майдонини қисқартириш эвазига мева-сабзавотчиликни ривожлантириш, маҳсулотни сақлаш ва қайта ишлашга мўлжалланган корхоналар ташкил этиш, экспортбоп эканлар экиш, тоғолди ҳудудларда доривор ўсимликлар етиштириш, чорвачиликни ривожлантириш, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгиланди.

Сессияда ташкилий масала қўрилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев тавсиясига биноан Жиззах вилояти ҳокими вазифасини бажарувчи лавозимида ишлаб келаётган Эргаш Солиев Жиззах вилояти ҳокими этиб тайинланди.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Жиззах вилоятига ташрифи давом этмоқда.

Абу Бакр ҲОЗОВ,  
Матназар ЗАМУРОДОВ,  
Умар АСРОРОВ,  
ЎЗА махсус мухбирлари


## ТАʼЛИМ ТАРАҚҚИЙОТИ

# НУФУЗЛИ АКАДЕМИЯДА ТАЛАБАЛАРИМИЗ ТАҲСИЛ ОЛАДИ



Тошкент шаҳридаги Инҳа университетиди “Oracle” академияси очилди

Роҳатой ҚОДИРОВА



Ташаббус дастурий таъминотлар яратишга ихтисослашган жаҳонга машҳур “Oracle” компаниясининг глобал таълим дастури доирасида амалга оширилган. “Oracle academy” деб номланган мазкур лойиҳанинг мақсади мактаб, коллеж ўқувчилари ҳамда талабаларга замонавий ахборот-коммуникация технологияларини ўрганишида кўмаклашишдан иборат.

Тантанали очилиш маросимида “Oracle Academy” нинг минтақавий раҳбари Дэни Гурис ҳам иштирок этди. У

ҳар йили академия курсларини дунёнинг 120 мамлакатиди 3,5 миллион нафардан зиёд йигит-қиз тамомлаётганини

таъкидлади. Тингловчилар соҳага доир билимини такомиллаштириш баробарида глобал меҳнат бозориди рақобатли муҳитга мослашиш кўникмасига ҳам эга бўлмақда.

Эътиборлиси, ўқув машғулотлари барча учун бепул. Улар халқаро стандартларга тўлиқ жавоб бериши билан

ҳам ажралиб туради. Ҳар бир навбатдаги курс аввалгисининг мантиқий давоми ҳисобланиб, жами 180 соатдан ташкил топган.

Инҳа университетиди нуфузли академиянинг иш бошлагани муносабати билан “Oracle Academy Student Day” тадбири ҳам ўтказилди. Унда мезбон олийгоҳ ҳамда Тошкент ахборот технологиялари

университетидан 150 нафардан ортқ талаба қатнашди.

Дэни Гурис “Oracle” компанияси томонидан таълим муассасаларига тақдим этиладиган имкониятлар ҳақида сўзлаб берди. Иштирокчилар, шунингдек, ахборот хавфсизлиги асосларига доир қизқарли тақдимот билан танишди.

## TASHABBUS

# КЕЛДИ, КЎРДИ, ЗАВҚЛАНДИ

## Бухоро шаҳрида “Ёшлар тарғибот поезда” лойиҳаси амалга оширилди

Зулфизар МАВЛОНОВА

Ёшлар иттифоқи ташаббуси асосида бу сафар Андижон, Наманган, Фарғона вилоятларидан келган олти юз нафар йигит-қиз кўҳна диёрни зиёрат қилиш имконига эга бўлди.

Маҳаллардаги уюлмаган ёшларнинг талаб-истаклари, қизиқишларини ўрганди. — Бухорода аввал ҳам бўлмаган, — дейди Андижон қишлоқ ҳужалиғи институти талабаси Шерзодбек Сотиболдиев. — Аммо ҳозир бу гузал диёр янада чирой очиб, таниб бўлмас даражада ўзгарди.

сигмас экан. Мен улардан кўп нарса ўргандим. Кечга яқин Ёшлар марказида водийликлар учун маданий тадбир ташкил қилинди. Таниқчи хонадалар ижросидаги тароналар, Бухоро вилояти мусиқали драма театри, Талабалар театр-студияси актёрлари, “Қувноқлар ва зукколар”



Ёшлар марказидаги шароитларни кўриб, очиги, ҳайратландим. Бухоро ёшларининг ғайрати ичига

жамоалари намойиш этган саҳна кўринишлари барчага ҳуш кайфият улашди.

## MEDIAREYD

# БОЛАГА ЧИЛИМ ЧЕКИШНИ КИМ ҚЎЙИБДИ?!

Дилқушо НАВРЎЗОВА

Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг Навоий вилояти кенгаши қошидаги “Жасорат” ва “Матонат” клублари аъзолари тунги вақтда шаҳардаги кафе, барлар ҳамда компьютер ўйингоҳларида ўрганиш ишларини олиб борди. Мазкур жараёнда бир қатор нохуш ҳолатлар кузатилди.



Жумладан, “Витель” компьютер клубида 18-умумтаълим мактабининг 10-синф ўқувчиси чилим чекиб, кино кўриб ўтирганига гувоҳ бўлдик. Аттанг, гўлдек умрини иллат қомига ташлаб, вақтини беҳуда сарфлаётган бу тенгдошларимиз наҳотки эртасини уйлამаса?! Ота-онаси-чи, фарзанд

тарбиясига эътиборсизлиги қандай аянчли оқибатларга олиб келиши мумкинлигини тасаввур қилармикан? “Самарқанд” кафеси ҳамда “Макро” савдо мажмуаси яқинидаги масканларда ҳам ўхшаш манзара. Биринчисида олти нафар, иккинчисида эса, нақ 26 нафар мактаб ўқувчиси дарс пайтида вайронкорликни

тарғиб қилувчи ҳамда жаҳолатга бошловчи компьютер ўйинларига мук тушиб ўтиргани юрагингизни эзди. Иккала компьютер клуби масуулари, қолаверса, болалар таълим олаётган 1-, 8-, 18- умумтаълим, шунингдек, 11- ва 16-давлат умумтаълим мактаблари маъмуриятига тегишли тушунтиришлар берилди.

## MEGA SPORT

# ЧИРЧИҚЛИКЛАР ФОЛИБ

Дурдона ВАФОЕВА

Бўстонлиқ туманидаги Ёшлар оромгоҳида “Мега спорт” Бмусобақасининг якуний босқичи ўтказилди.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи томонидан Жисмоний тарбия ва спорт, Маданият, Ички ишлар, Соғлиқни сақлаш вазирликлари билан ҳамкорликда илк маротаба амалга оширилган лойиҳада барча ҳудудлардан сараланган талабалар жамоалари иштирок этди. Иштирокчилар йўл тўсиғидан ўтиш бўйича ўзаро беллашди. Якуний натижага қўра, Чирчиқ давлат педагогика институтини вакиллари



ғолиблик шоҳсупасига кўтарилди. Кейинги совринли ўринларни

Гулистон ҳамда Бухоро давлат университетлари спортчилари эгаллади.



## QITIDORLI YOSHLAR — MAMLAKAT TAYANCHI

# МЕХНАТ — ЯГОНА ЙЎЛ ШУ!

Шоҳрух ИБОДУЛЛАЕВ

**Фарзанднинг дунёга келиши ҳар бир оила учун қувонч. Оқ ювиб, оқ тараганингиз жамиятга нафи тегиб, раҳмат келтирадиган инсон бўлиб етишса-ку, ҳаётда армоним йўқ деяверинг.**


Қорақалпоғистоннинг Тахриатой шаҳрида туғилиб вояга етган Шаҳодат Жулдубоева бугун жуда кўп тенгдошлари ҳавас билан қарайди. Нукус давлат педагогика институтининг 2-босқич талабаси жорий йилда Зулфия номидаги Давлат мукофоти сазовор бўлди. Ҳарқалай бу йигирма ёшли ўзбек қизи ҳаётдаги ягона ютук эмас.

Шаҳодат болаликдан спортга ҳавас қўйган. Эркин курашни танлади — тўққиз ёшда, ўзи, мустақил. Аввалига, ота-онаси бу қизиқлики кўпга бормай сўнса керак, деб ўйлади. Ҳар ҳолда, қиз бола бўлса... Бирок қаҳрамонимиз

танлаган йўлидан қайтмади. Охиригача борди, курашди ва энгли — ҳаётда ҳам, гиламда ҳам.

7-синфдан Шаҳодат Нукус олимпия захиралари коллежиде таҳсил ола бошлади. Бўлғуси чемпионнинг суяги худди шу масканда қотган. Дили-нияти пок, мақсади аниқ одам ҳар қандай шароитда ҳам ишончини оқлашга қодир.

Бундайлар Ватаннинг юзини ерга қаратиб қўймади. Шаҳодатнинг шахду шижоати, меҳнатсеварлиги, собитқадамлиги унга муваффақият пиллапоисидан илгарилашда ёрдам берди. Ниҳоят, 2014 йилда ёш спортчи Ўзбекистон чемпион бўлди.



пиони бўлди. Жорий йилда ҳам мазкур натижани тасдорлаб, Ўзбекистон спорт

курашлари ассоциацияси томонидан аёллар ўртасида "Йилнинг энг яхши спорт-

чиси" дея эътироф этилди.

Шаҳодат Жулдубоева миллий терма жамоамиз сафиде кўп халқаро мусобақаларда ҳам муносиб иштирок этмоқда.

— Ҳаракат бўлмаса, орзу ушалмайди, — дейди суҳбатдошимиз. — Бунга ўзимнинг ҳаётим мисол. Машҳур спортчиларга бир умр ҳавас қилиб юриш мумкин. Аммо улардек бўла олиш учун қаттиқ меҳнат қилишинг зарур. Ягона йўли шу! Ҳозир энг бахтли инсонлардан бириман. Чунки Ватаним байроғини жаҳон ареналари узра кўтараман. Ҳали мақсадларим бисёр. Асосийси, уларни рўйга чиқариш учун куч-иродам етарли. Улкан орзуларим мени ортга чекинмасликка, ҳамisha илғор бўлишга ундамоқда. Зулфия номидаги Давлат мукофоти сазовор бўлгач, гайратимга янада гайрат қўшилди.

Ораимизда ўзига ишонган, бор кучини юрт равақи учун сафарбар этишга тайёр ёшларнинг бораги кишини беҳда қувонтиради. Улар, сўзсиз, давлатнинг бойлиги. Бу авлод қандай улғувор ишларга қодирлигини ҳали кўп бора исбот этажак.

## ИҚБОЛИ ПОРЛОҚ САРВИНОЗ

Гўзал ТЎҒАЛОВА

**Галлаорол туманининг Сугунбой қишлоғи яшайдиган Сарвиноз Саримсоқова антиқа ишга қўл урди. У мевали ва жиззали нонларни пишириб, тезкор савдосини йўлга қўйган. Келгусида эса, бундай мазали ва серқувват маҳсулотларни саноат усулида ишлаб чиқармоқчи.**



Сарвиноз нон сехининг мини макетини тайёрлаб, ишлангани республика-мизда илк бор ўтказилган "Ўзбекистон аёлларининг 100 та энг яхши инновацион лойиҳаси" танловига тақдим этди ва 1-уринни қўлга киритди.

Натижада умумий қиймати 28 миллион сўм деб баҳолаган лойиҳани ҳаётга татбиқ этиш учун тенгдошимиз банкдан худди шунча миқдорда кредит олиш имкониятига эга бўлди. Энди унинг қўлида

бошланғич капитал бор. Коллежни тамомлагач, Сарвиноз шахсий бизнесини бемалол бошлаши мумкин.

— Галлаорол тиббиёт коллежиде таҳсил олаётган, — дейди бўлғуси тадбиркор. — Тадбиркорлик ва бизнес асослар фанидан дарс берадиган ўстозим — Қаҳрамон Ҳасаров ҳамма коллежиздаги хотин-қизлар кўмитаси раиси Баҳринисо Тожиеванинг дала-қўмағи билан бизнесга

қадам қўйдим. Менинг бу интилишимни ота-онам ҳам қўллаб-қувватлади. Келажакда шифокор бўлмоқчиман. Лекин тадбиркорликни ташлаб қўйиш ниятим йўқ.

Сарвиноз жамоат ишларида ҳам фаол. Айни чоғда у Ёшлар иттифоқи туман кенгашининг ижтимоий ҳимоя йўналиши сардори сифатида фаолият кўрсатмоқда. Мақсадини аниқ қўйган тенгдошимизга янги йўл муборак бўлсин, деймиз.

## ЗАҲАРЛИ ТУТУНДАН АСАР ҲАМ ҚОЛМАЙДИ

Санжар ЭШМУРОДОВ

**"Чанг ва ғубор бўлмаганда эди, инсон минг йил яшарди", дея таъкидлаганди бобомиз Абу Али ибн Сино. Қаҳрамонимиз эса, ғуборнинг нафақат инсон саломатлиги, балки табиат учун ҳам зарарли эканини англаб етди.**

Тоғ ён бағридаги сулим гушлардан бирида туғилган Феруз Муродовнинг болаликдан ҳайвоноту наботот оламига меҳри бўлакча эди. У илм-фан ва техникага бўлган қизиқиши билан тенгқурларидан ажралиб турарди.

Онаси Махфират аянинг айтишича, Феруз мактабда ўқиб юрган кезларидаёқ кимё ва физика фанларига меҳр қўйган. Янгиликка ўч болакай дастлаб ўй юмушларига ёрдамлашувчи кичик қурилмаларни ясай бошлади. Чироқчи энгил саноат

касб-ҳунар коллежига ўқишга киргач, ўстозлари — Олим Холиқов ва Бахтиёр Ҳайдаров кўмағида иқтидорини сайқал топтирди. Турли танловларда ҳам иштирок этди. 2013 йилда "Юрт келажиги" иқтидорли ёшлар танловининг республика босқичида ғолиб бўлди.

Беш йиллик тинимсиз изланишлари натижасида ёш иxtирочи аккумуляторли ёқилги тизimini яратиб, ишланмага патент олди. — Мазкур тизим бир вақтнинг ўзида саноат корхоналари ҳамда автомобиллардан чиқаётган заҳарли газларни

кислородга айлантириб беради ва ёқилги сарфини тежайди, — таъкидлайди Феруз Муродов. — Айтилик, автомобиль 10 литр ёқилги билан босиб ўтадиган масофага атиги 2-3 литр кифоя қилиши мумкин.

Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, инновациянинг ҳаётга татбиқ этилиши атмосферага ажралаётган заҳарли моддаларни нақ 75 фоизга камайтириш имконини беради.

— Юртимизда ишлаб чиқарилаётган автомобиллар биз яратган қурилма билан таъминланса, жаҳон бозорига бетақдор брендга айланишига ишонаман, — дейди суҳбатдошимиз.

Умид қиламизки, Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йилда лойиҳа эътиборсиз қолдирилмайди. Феруз Муродовнинг сая-ҳаракатлари Ўзбекистон ёшлар иттифоқи томонидан ҳам қўллаб-қувватланиши хоҳлардик.

## DUNYO BIZ HAQIMIZDA



Жорий йилнинг 26-27 март кунлари пойтахтимизда бўлиб ўтган "Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик" мавзусидаги халқаро конференция тафсилотлари, аҳамияти ва келгусида афғон муаммосини ҳал этишда нечоғлиқ самара бериши мумкинлиги дунё медиа макониде кенг шарҳланди. Мазкур мавзу юзасидан нуфузли хорижий экспертлар ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини билдирмоқда. Материалларимиз шу ҳақда.

## "DEUTSCHE WELLE" ТОШКЕНТ ҲАҚИДА ГАПИРДИ

**Германиянинг "Deutsche Welle" телерадиокомпанияси Афғонистон бўйича Тошкент халқаро конференциясидан махсус репортаж тайёрлаган. Унда "Нега Марказий Осиё давлатлари Афғонистонда тинчлик бўлишини хоҳлайди?" мазмундаги асосий савол кўндаланг қўйилди.**

Материалда қайд этилишича, йигирмадан зиёд давлат ва халқаро тузилмалар вакиллари иштирок этган йирик форум Афғонистондаги қуроли моjarоларни ҳал этиш юзасидан минтақа мамлакатларининг умумий сая-ҳаракатини жадаллаштириш имконини яратди.

Немис телерапортёрлари расмий Қўбул "Толибон" ҳаракати билан музокара олиб боришга тайёр эканига ҳам урғу берган. "Deutsche Welle" нинг тақдирини, Марказий Осиёда Афғонистондан илдиз отаётган терроризм ва наркотрафик хавфи ҳали ҳам сақланиб қолмоқда.

## БРЮССЕЛЬ АКС-САДО БЕРДИ

**"Жанубий Осиёнинг демократик форуми" таҳлилий маркази (Брюссель) ўз сайтида "Тошкент форуми: Афғонистон келажигига янги умид" сарлавҳали мақолани эълон қилди. Материал муассаса раҳбари Пауло Касаки томонидан тайёрланган.**

Муаллиф халқаро конференция Марказий Осиё давлатлари ҳамда Афғонистон ўртасидаги ҳамкорликнинг янги форматини бошлаб берганини таъкидлайди. Унда иккита ўзгармас халқаро концепцияга амал қилинган. Биринчиси, Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъбири билан айтганда, муаммоларни ўзимизники ва ўзгаларникига бўлинмаслик тамойилидир. Иккинчи муҳим шарт минтақавий

барқарорликни сақлаб қолишдан иборат. Бу эса, Афғонистоннинг қушни республикалар билан савдо, иқтисодий ҳамда инфратузилмавий алоқалар тизимига нечоғлиқ интеграциялашишига боғлиқ. "Тошкент форумининг пировард мақсади Афғонистонда тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш борасида халқаро ҳамжамиятда яқдиллик уйғотишга қаратилади", — дея фикрларини хулосалайди П.Касаки.

## ЯПОНИЯ МЕДИА МАЙДОНИДАН ЖОЙ ОЛДИК

**Кунчиқар мамлакатнинг энг йирик NHK телерадиокомпанияси мухбирлари Тошкент халқаро конференциясини мунтазам равишда онлайн режимда ёритиб борди.**

"NHK World International" телеканалда намойиш этилган кўрсатувда таъкидланганидек, йирик анжуман халқаро ҳамжамиятнинг тинчлик йўлида Афғонистон ҳукуматига хайрихоҳлик кўрсатишга тайёр эканини кўрсатди.

Япониялик журналистлар бугунги кунда афғон заминиде ҳукм суратётган бекорорликка чек қўйиш учун расмий ҳукумат ва толибонлар ўртасида зудлик билан туғридан-туғри музокараларни бошлаш керак, деган фикрини ҳам илгари сурган. Ўз навбатида, "NHK News"

телеканални мавзунини янада тўлиқ очиб бериш мақсадида Тошкент конференциясини иштирокчиларидан бири — БМТнинг Афғонистон бўйича махсус вакили Тадамичи Ямамото билан интервьюни ҳам эфирга узатди. Мулоқот чоғида нуфузли эксперт Афғонистон ҳудудида минтақа хавфсизлигига соя солувчи янги террористик кучлар пайдо бўлаётганини айтиб, мамлакат ҳукумати ва толибонлар ўртасидаги тинчликпарвар музокараларни қандай бўлмасин бошлаш зарурлигини қайд этган.

## "КАБАР" КЕНГ ЁРИТДИ

**Қирғизистон миллий ахборот агентлиги — "Кабар" ҳам пойтахтимизда бўлиб ўтган халқаро конференцияга бағишланган таҳлилий мақола тайёрлаб, маҳаллий оммавий ахборот воситаларига узатди.**


"Кабар" директори Кубаничбек Таабалдиев ўз мақоласида Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Президентини этиб сайланган кундан бошлаб қўшни республикалар билан дўстона алоқаларни тиклашга киришганини қайд этган. Қисқа фурсатда у Марказий Осиёнинг барча давлатлари, шу жумладан, 17 йиллик та-наффусдан сўнг Қирғизистонга ҳам ташриф бурди.

"Ўзбекистон раҳбарининг Афғонистон бўйича халқаро конференцияни ўтказишга доир тақлифи расмий Тошкент афғон моjarосини ҳал этиш учун максимал ҳисса қўйиш истагида эканидан далолат

беради, — деб ёзди "Кабар". — Шу мақсадда форумга минтақа давлатларигина эмас, балки афғон заминиде кечаётган мураккаб жараёнларда иштирок этаётган бошқа кучлар — Россия, АҚШ, Европа Иттифоқи, БМТ вакиллари ҳам тақлиф қилинди.

...Бугун Ўзбекистон Марказий Осиё минтақасини мутлақо хавфсиз ҳудудга айлантиришга маҳкам бел болаган. Бундай интилиш сабаб мазкур мамлакат тез орада минтақанинг тинчлик-осойишталиги ва барқарор ривожланиш сари етакловчи ўзига хос локомотивга айланса, ажаб эмас".

"Жаҳон" АА материаллари асосида тайёрланди.



Тоғ ён бағридаги сулим гушлардан бирида туғилган Феруз Муродовнинг болаликдан ҳайвоноту наботот оламига меҳри бўлакча эди. У илм-фан ва техникага бўлган қизиқиши билан тенгқурларидан ажралиб турарди. Онаси Махфират аянинг айтишича, Феруз мактабда ўқиб юрган кезларидаёқ кимё ва физика фанларига меҳр қўйган. Янгиликка ўч болакай дастлаб ўй юмушларига ёрдамлашувчи кичик қурилмаларни ясай бошлади. Чироқчи энгил саноат

SABOQ

Рустам МУСУРМОН

Лойинг пишиб, фишт бўласан!

Тушдан сунг устоз Абдулла Орипов ишонага шошиб кириб келди. Йулда мени учратиб: — Қабулхонада утириб тур! — деди-ю уринбосарларини чақириб, хонасига кириб кетди.

Дик этиб ўрнимдан турдим. У киши мени куриб: — Бемаҳалда бир ўзинг нима қилиб утирибсан? — деди ажабланиб. — Шу ерда кут, дегандингиз. Мана, утирибман, — дедим.

"ЯХШИ" ЗООЛОГ

Раҳмат БОБОЖОН

Домла эшикдан кириб келиши билан ҳаммининг юралига гулгула тушди. Нуқул мураккаб саволлар бериб "қинайдиган" бу муаллим талабалар кузига аэроилдай кўринади.



жувчи, бананни кўш курувчи ҳайвон. Маймун жунли жонзот, дедим, унда бит бор, бит эса қонни сурувчи, ёмон ҳашарот, ундан узокроқда юрган маъқул...

Шулардан кейин домла ҳафсага билан ўзинчи саволни ўқишга киришди: "Балиқ қандай ҳайвон?" Балиқ жуда мазаги ҳайвон. У сувда яшайди, жабраси ёрдамида нафас олади.



HAYOT MANZARALARI

ХУШИДА

КҮЁНЧА

Бозорда карамларнинг сўлиган барглари тозалаётган амакидан: "Шу барглари кўнларини учун олак сак майлими?" — деб сўради кўнларини соддагина аёл чамаси беш яшар қизалоғини қўлидан ушлаганича.

лаб қўйди она. — Унда эртага қўёнчангиз учун бозордан нима сўраймиз? — деди қизалоқ ўзини қўёнчадек тасаввур қилиб.

PSIXOLOG MASLANATI

— Турмуш ўртоғим ичкиликка ружу қўйган. Даволашни истамаяпти. Ўн икки ёшга ўғлимиз бор. Ажрашай дегам, ўзи жуда болажон инсон. Нима қилишни билмай, бошим қотган. Маслаҳат беринг.

Г. БОТИРОВА Тошкент шаҳри

Саволга оилавий психотерапевт Дилдора ШОКИРЖОНОВА жавоб беради: — Эри алкоголь махсулотларини муттасил истеъмол қилмаган аёллар асосан уч тоифага бўлинади: доимий на-



зоратчи ва жанжалкаш, сабр-қаноатли жабрайида ҳамда кутқарувчи. Аммо турмуш ўртоғингизни залолат ботқоқдан кутқариб олмақчи бўлсангиз, шу уч тоифанинг биронтасига ҳам айланиб, коммунисингиз керак. Сабби аёл эри қанча назорат қилса, у тескарисини қийишга тушади. Қутқарувчи ролини бажарсангиз, ундан кучлироқ эканлигини исботлаб, акс таъсир кўрсатасиз.

Обиджон РҮЗИБОВ

Ҳаётда омадсизликка учрамасликнинг ўзи омад.

Узоқ умр кўришни истасанг, соғлигинг ва тилингни эҳтиёт қил.

Ҳаёл — тизгинсиз дайди. Шунинг учун кўп алдайди.

Тинчликни сақловчи энг улкан сеҳр, Тортинмай айтавер, бу аниқ — меҳр.

Умр — вақтнинг энг содда формуласи

Эртага ким бўлиш бугун кимлар даврасида эканлигига боғлиқ.

САЁҲАТ

Шоҳруҳбек АБДУКАРИМОВ, мактаб ўқувчиси



Жавоҳир акаси билан арашлашиб, уйдан чиқиб кетди. Сабаби бироз аввал акаси унга: "Мактабдан эрта-роқ қайт, биргаликда унинг базви жойларини таъмирлаймиз", — деб тайинлаганди.

Жавоҳир ўзидан уялди. Иш ахтаришга тушди. Бозорда майда-чуйда хизматларни қилиб юрди. Орадан вақт ўтди. Жуда зерикади, унинг ота-онасини, кўп иш буюрадиган акасини соғинди.

MUTAXASSIS OGOH ETADI

Нонга чиқаман деб...

Р.ДАВЛАЕВ, "Бунёкор" стадиони биноларини ённидан муҳофиза қиувчи ёнги хавфсизлиги бўлимида инспектори

ичини тутун қоплайди. Бундан ваҳмига дўшган турт яшар болаки икки яшар синглиси билан у ёқдан-бу ёқда югура бошлайди. Чақалоқ синглиси эса, тутун ичмади қолди. Орадан ўн-ўн беш дақиқа ўтиб, ўт учирувчилар етиб келади.

Аҳмадбек АЛИМБЕКОВ

Моҳият Шамнинг ин-гичкагина пилиги атрофини қалин мум девори ўраб туради. Моҳият пиликда. Мумки моҳиятнинг қадрига ета олади. Бизлар-чи?..

Ювиб кетади Адрон майнасини ҳамма яхши билади. Жангари, "шал-лақ" лиги ҳам ўзинга етгунча. Бироқ бир жиҳати борки, барча камчиликларини ювиб кетадигандек. Хаф тувлиса, бирлашиб, лочинга ҳам ҳужум қилиши мумкин. Водаринг, жамлида кудрат, раҳмат борлигини қўш ҳам билса-я!..

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҲУЗУРИДАГИ НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИНИ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИНГ БОШҚА ИНСТИТУТЛАРИНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЖАМОАТ ФОНДИ

"Хорижий ва маҳаллий ОАВларда юксак ҳуқуқий тафаккурни, инсон ҳуқуқлари маданиятини, жамоатчилик назоратининг инновацион шакл ва механизмларини кенг тарғиб этиш" мавзусида Давлат грантлари ажратиш учун танлов ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

"Ҳаракатлар стратегиясини "Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили" Давлат дастури ижросини таъминлашда ННТларнинг инновацион лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш" мавзусида Давлат грантлари ажратиш учун танлов ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танловга нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларнинг қуйидаги мақсадларни назарда тутган ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳа буюртманомалари қабул қилинади: 1. Мамалякат Парламенти қабул қилган янги қонунлар, Президент фармонлари, қарорларнинг асосий жиҳатларини кенг оммага етказишни самарали инновацион шакл ва механизмларини тадбиқ этиш;

мафқуравий ва бадиий даражасини юксалтириш дастурларини амалга ошириш; 7. Ёш журналист ва техник ходимларнинг маҳорати ҳамда ижодий фаоллигини юксалтиришда ижтимоий шериклини кучайтириш; 8. ОАВларнинг фуқароларни, айниқса ёшларни ижтимоий-сиёсий, маънавий-ахлоқий, социал-ҳуқуқий онгига ижобий таъсирини кучайтириш;

нинг ижроси ҳамда давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратининг самарали механизмларини ва амалиётини ривожлантириш; 15. Ҳуқуқни муҳофиза қилиш органлари ҳузуридаги фахрийлар кенгашларини уюшмаган ва тарбияси муаммоли ешлар билан ишлашга кенг жалб қилиш, уларни қонуний манфаатларини, ниятларини рўёбга чиқариш; 16. "Мен Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганаман" шори остида турли кўргазмали материаллар тайёрлаш ва тарқатиш.

Танловга нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларнинг қуйидаги мақсадларни назарда тутган ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳа буюртманомалари қабул қилинади: 1. Аёллар ва ёшларнинг, ногирон ҳамда кескаларнинг долзарб муаммоларини ҳал қилишга қаратилган қўшма иш режалари ва дастурларини амалга ошириш; 2. Чекка, тоғли ва бориш қийин бўлган қишлоқ ҳудудларда янги иш ўринлари, ижтимоий ва маънавий инфратузилма яратишга, аҳолининг турмуш даражасини яхшилашга қўмақлаш; 3. Аҳолига сифатли ижтимоий хизматлар кўрсатиш қўламинини кенгайтиришга, бундан ташқари самарали ўтказишни ташкил қилиш шарт-шароит яратиш, давлат органлари билан ҳамкорликда маҳаллалар ободлигини таъминлашга қўмақлаш; 4. Аналиқ ва болаликни муҳофиза қилиш, оила институтини мустаҳкамлаш, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялашга қўмақлашувчи комплекс тадбирларни рўёбга чиқариш; 5. Оилада маънавий-ахлоқий муносабатларни мустаҳкамлаш, эрта ва

дастуруларни давлат органлари билан ҳамкорликда амалга ошириш; 11. "Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили" Давлат дастури ижросининг аниқ натижаларини, ислохотлар жараёнларини хорижий ОАВларда кенг ёритиш. Давлат гранти ажратиши учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш зарур: 1. Ташкилот раҳбари томонидан имзоланган ва муҳр билан тасдиқланган кузатув хати; 2. www.fundngo.uz веб-сайтида жойлаштирилган шаклда тўлдирилган давлат гранти лойиҳаси учун ариза; 3. Охириги ўзгартиш ва қўшимчалар билан давлат рўяхатидан ўтган ННТлар ва фуқаролик жамияти бошқа институтларнинг Устави (Низоми) нусхаси; 4. Ташкилотнинг давлат рўяхатидан ўтганини тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси; 5. Агар лойиҳани амалга ошириш лицензияланган фаолиятни талаб қилса, унда лицензиянинг нусхаси тақдим этилади; 6. Манфаатдор давлат ва жамоат ташкилотларининг илтимосномалари, тавсия хатлари илова қилиниши мумкин.

Битта лойиҳа учун ажратилган грант миқдори — 30 миليون сўмгача.

Ҳужжатлар 2018 йил 15 мартдан 20 апрелгача қабул қилинади.

Ҳужжатлар "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТларни ва фуқаролик жамиятини бошқа институтларни қўллаб-қувватлаш жамоат фонди" номига "Ўзбекистон почтаси" орқали юборилган муҳрланган конвертларда (А4 форматда) қуйидаги манзил бўйича қабул қилинади: 100163, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 43-уй.

Ҳужжатларни тақдим этиш шартлари ва намуналари билан Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фондининг www.fundngo.uz расмий веб-сайтида танишиши мумкин.

Маълумот учун телефонлар: (0-371) 239-26-76, 239-26-86.

МУАССИС ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТТИФОҚИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 2017 йил 2 августда № 0242 рақами билан қайта рўйхатдан ўтган. БОШ МУҲАРРИР Каримов Фахриддин Турдалиевич

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ Камолiddин Бекназаров, Мансур Бекмуродов, Лазиз Тангриев, Мадамин Сафаров, Алишер Саъдуллаев, Дилмурод Набиев, Азим Мирзаёнов, Нодир Абдуқодиров, Наргиза Умарова — бош муҳаррир ўринбосари ("Yoshlar ovozi"); Ирина Кочергина — бош муҳаррир ўринбосари ("Молодежь Узбекистана"); Елена Калинина — масъул котиб ("Молодежь Узбекистана").

Дизайнерлар Рўзиев Зафар Хусанович Абдуллаев Хуршид Уктажмонович Навбатчи Нодирабегим Жамолова

"YOSHLAR OVOZI"дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт. Таҳририятга келган қўлэмалар тақриз қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

Таҳририят манзили: 100029, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32. Телефонлар: (371) 150-22-74, (371) 233-95-97. (371) 233-79-69 (факс). E-mail: yoshlarovozi@umail.uz «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида, А-2 форматда чоп этилди. Ҳажми — 2 босма табоқ. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. Индекслар: 203, 3203 Баҳоли қилиш қилинган нархда. Буюртма Г-336 Адаби — 27322. Бюджет таъминоти асти — 21.00. Телерахборот — 43.10. Рақ. номери — 10-47.